

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОҒАЕВ ИСАМИДДИН САҒАРОВИЧ

**ЖАНУБИЙ НУРОТАНИНГ СТРУКТУРАВИЙ-ДЕШИФРОВКА
МАЖМУАЛАРИ ВА УЛАРДАН МИНТАҚАВИЙ ГЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАРДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

04.00.01 – Умумий ва минтақавий геология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАҒА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geological-mineralogical sciences**

Тоғаев Исамиддин Сафарович

Жанубий Нуротанинг структуравий-дешифровка мажмуалари ва улардан
минтақавий геологик тадқиқотларда самарали фойдаланиш.....3

Тоғаев Исамиддин Сафарович

Структурно-дешифрируемые комплексы Южного Нуратау и эффективность
их использования при региональных геологических исследованиях.....21

Togaev Isamidin Safarovich

Structurally-decryptable complexes of South Nuratau and the effectiveness of their
use in regional geological studies.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОҒАЕВ ИСАМИДДИН САФАРОВИЧ

**ЖАНУБИЙ НУРОТАНИНГ СТРУКТУРАВИЙ-ДЕШИФРОВКА
МАЖМУАЛАРИ ВА УЛАРДАН МИНТАҚАВИЙ ГЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАРДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

04.00.01 – Умумий ва минтақавий геология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/GM80 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ingeo.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Нурходжаев Анварбек Қораходжаевич Геология-минералогия фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Раҳмат Нуриллаевич Геология-минералогия фанлари доктори, профессор Асадов Акмал Рўзимуродович Геология-минералогия фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	“Регионалгеология” ДУК

Диссертация ҳимояси Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳузуридаги DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (99871) 241-88-67, факс: (99871) 262-63-81, e-mail: ingeo@exat.uz).

Диссертация билан Геология ва геофизика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (99871) 241-88-67.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «16» декабрьдаги 2 рақамли реестр баённомаси).



Л.Р. Садикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини, г.-м.ф.д.

Ф.Б. Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

У.Д. Мамарозиков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида геология қидирув ишларини самарадорлигини оширишда Ерни масофадан зондлаш маълумотларидан кенг фойдаланиш шуни кўрсатадики, кам сарф харажат ёрдамида маъданли майдонлар ва истиқболли структураларни ажратишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада масофавий усуллар бутун дунёда кенг қўлланилиши бўйича қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда, масофадан тадқиқ этишнинг устуворлиги геология-қидирув ишларида мавжуд геологик маълумотларни геоахборот технологияларда рақамли космик суратлар билан комплекс талқин қилиш янги истиқболли майдонларни ажратишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида истиқболли майдонларни аниқлашда рақамли мультиспектрал космик суратлардан фойдаланиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, ҳар бир ҳудуд бўйича маълум бўлган эталон объектларнинг физик-геологик хусусиятларини рақамли космик суратлар билан қайта ишлаш асосида янги маълумотлар олиш ва маъданлашувга юқори истиқболли майдонлар ва қулай структуравий позицияларни ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида геологик тузилмалардаги маъданлашув ҳосил бўлиш турларини тўлиқроқ асослаш имконини беради.

Мамлакатимизда геология-қидирув ишлари фаолиятига Ерни масофадан зондлашнинг замонавий усулларини қўллашга катта эътибор қаратилаётган бўлиб, бу борада муайян ютуқларга эришилмоқда, жумладан кузатув ва автоматик дешифровка қилишнинг тўрт босқичли янги инновацион геологик схемасини яратишга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Жанубий Нурота ҳудуди бўйича рақамли космик суратларни қайта ишлаш асосида истиқболли майдонларни аниқлашга бағишланган илмий-изланишларни олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жанубий Нурота худуди геологик, геофизик ва геохимёвий жиҳатдан етарли даражада ўрганилган бўлсада, ҳали ечимини топмаган айрим масалалар мавжуд. Шу билан бирга геологик тадқиқот ишларида Жанубий Нурота худудининг геологияси, тектоникаси ва фойдали қазилма конлари жойлашув қонуниятларини ўрганиш ҳамда Ерни масофадан зондлаш материалларини дешифровка ва талқин қилиш масалалари О.М.Борисов, Ш.Э.Эргашев, А.К.Глух, Э.Б.Бертман, Ю.И.Лошкин, А.К.Бухарин, Я.Г.Кац, С.С.Шульц к., В.С.Корсаков, Н.Т.Кочнева, И.Н.Томсон, П.Ф.Иванкин, Ф.А.Усмонов, З.М.Абдуазимова, А.К.Нурходжаев, Х.Ходжибеков, И.А.Пяновская, М.К.Турапов, Ю.В.Шумаков, Х.А.Акбаров, Р.Х.Миркамалов, Х.А.Тойчиев, С.М.Колоскова, Н.И.Назарова, А.Р.Асадов, Р.С.Хан, А.А.Абдурахмонов, О.Т.Зокиров, А.Р.Авезов, Е.Р.Хачатурян, И.Г.Поторжинский, Д.А.Мағзумова, С.Т.Марипова, П.Кронберг, Т.Graupner, R.Seltmann, H.Boorder, U.Kempe ва кўплаб бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ўрганилаётган худуднинг кўп қисми ёпиқлигини эътиборга олиб, Ерни масофадан зондлаш материалларидан комплекс фойдаланиш эса, олинган янги турдаги геологик маълумотларни ишончлилик даражасини оширади ва кўпгина фойдали қазилма конлари жойлашувини ҳамда истиқболли структуралар тарқалишини ўрганишга имконият яратади. Геологик изланишларда космик услубларни қўллаш геологик қидирув ишлари лойиҳаларини тезкор тарзда амалга ошириш ва самарали олиб бориш имконини беради. Замонавий космогеологик тадқиқотлардан фойдаланиш катта ҳажмдаги дала геологик ишларини бажаришда фойдаланиладиган анъанавий усуллардан фарқли улароқ нисбатан қисқа вақт ва кам сарф-харажатни талаб этади.

Шу билан бирга, Ерни масофадан зондлаш маълумотлари орқали аниқланадиган истиқболли структуралар ва фойдали қазилмалар тўпланиши эҳтимоли қулай бўлган маъданли структуралар назорат этувчи интрузив ҳосилаларнинг майдон бўйлаб жойлашувини аниқлашга имкон берадиган аломатлар мавжудлигини кўрсатади. Қолаверса, ҳалқасимон тузилмалар ва тузилиши бўйича фарқланувчи структуравий-дешифровка мажмуалари ҳамда улар билан боғлиқ потенциал истиқболли майдонлар чегараларини аниқлашга имкон беради.

Мазкур ишда Ерни масофадан зондлаш материалларини кенг тадбиқ этиш орқали янги турдаги масофавий асос яратиш борасидаги янги илмий изланишлар акс этган. Космогеологик материалларни геологик ва геофизик маълумотлар билан умумлаштириш қўшимча маълумотлар олиш имконини беради ва минтақавий миқёсдаги геологик муаммоларни ечишда амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича 1:500 000 миқёсда космогеологик харита-масофавий асос яратиш» (2013-2016 йй.), «Хондиза маъдан майдони ҳудудининг ғарбий қисми бўйича 1:50000 миқёсдаги космогеологик схема тузиш асосида дастлабки космогеологик изланишлар» (2016-2018 йй.), «Жанубий Нурота тоғларида олиб борилган дастлабки космогеологик изланишлар» (2015-2018 йй.), VIII-Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасидан рўйхатдан ўтган «ГАТ-технологияларидан фойдаланиб Шарқий Каулюк истиқболли майдонини масофавий асосини тузиш» (2015-2016 йй.) каби амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Нурота ҳудудида Ерни масофадан зондлаш ва геологик-геофизик маълумотлардан комплекс фойдаланиб геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш ва истиқболли майдонлар белгиланган масофавий асосни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори имкониятли космик суратларнинг спектрал хусусиятлари ва маълумотлилик даражалари бўйича структуравий-дешифровка мажмуаларини ажратиш;

очиқ ва ёпиқ майдонларда космик суратларни автоматик ва визуал дешифровка қилиш орқали структура элементларини аниқлаш;

Ерни масофадан зондлаш материалларини геологик – дешифровка қилиш ёрдамида ўрганилаётган ҳудуд бўйича потенциал-истіқболли майдонлар ва позицияларни ажратиш;

Ерни масофадан зондлаш материалларини комплекс таҳлил қилиш негизида минтақавий тадқиқотлар самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган янги турдаги космогеологик харита – масофавий асосни яратиш.

Тадқиқотнинг объекти. Жанубий Нурота ҳудудининг геологик тузилмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ҳудуднинг геологик-тектоник элементлари, структуравий-дешифровка мажмуалари, чизикли ва ҳалқасимон тузилмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Замонавий Envi, ArcGIS, Global Mapper, Erdas Imagine компьютер воситаларини қўллаган ҳолда космик суратларни визуал

ва автоматик дешифровка қилиш усулларидан; структуравий – дешифровка мажмуаларини ажратиш ва космик суратда намоён бўлган чизиқли ва ҳалқасимон тузилмаларни саралаш, дала кузатув ишларида анъанавий геология қидирув ишлари усуллари объект бўйича литологик-структуравий кесмалар ва намуналар олиш, кузатув нуқталари ва нуқтали апробациялар билан изоҳлаш ҳамда лаборатория таҳлил натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

юқори имкониятли космик суратларда геологик хусусиятларни намоён қилувчи структуравий-дешифровка мажмуалари аниқланган;

очиқ майдондаги геологик тузилмаларнинг тектоник тузилиши ва мезо-кайнозой ётқиқиқлари билан қопланган майдонларнинг геологик дешифровка қилишнинг белгилари аниқланган;

Ерни масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиб йирик миқёсдаги космогеологик харита-масофавий асос тузиш усули такомиллаштирилган;

Жанубий Нурота ва унга туташ бўлган ҳудудлар бўйича истиқболли майдонларни ажратишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган;

Жанубий Нурота ҳудудининг рақамли космик суратларини автоматик дешифровка қилишда RGB тизимининг (Red-қизил, Green-яшил, Blue-кўк) энг қулай каналлар мутаносиблиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Рақамли космик суратларда ажратилган структуравий-дешифровка мажмуалари асосида 1:50 000 миқёсдаги (истиқболли майдонлар 1:25 000) масофавий асослар яратилган;

Жанубий Нурота ва унга туташ бўлган ҳудудлар бўйича тузилган космогеологик харита-масофавий асосда истиқболли майдонлар ва позициялар аниқланган;

Замонавий дастурий маҳсулотлар (Envi, Erdas Imagine) асосида RGB тизимининг қулай мутаносиб каналларининг имкониятлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот 4400 кв.км. майдонни қоплаган турли сунъий йўлдош тизимларидан олинган ва замонавий дастурий воситалар ёрдамида қайта ишланган космик сурат материаллари, дала геологик кузатув ишлари натижалари, космогеологик тадқиқотларни 60 тадан ортиқ турли космик суратлар дешифровка натижалари (1100 км²), геологик кузатув маршрутлари 376 км, кузатув ва апробация нуқталари 310 та, структуравий-литологик кесмалар 2100 п.м. каби анъанавий геологик тадқиқот ишлари усулларидан фойдаланиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси томонидан тасдиқланган йўриқнома ва методик тавсиялар асосида амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жанубий Нурота ҳудудида космогеологик ва геологик-геофизик маълумотларни комплекс таҳлил

қилиш, жумладан, янги турдаги космогеологик харита-масофавий асосда истиқболли майдонларни ажратиш имконини беради. Ушбу ҳолатлар космогеологик изланишларнинг визуал ва автоматик дешифровка (дала кузатув босқичи билан) усулларини қўллаш орқали истиқболли майдонларини ажратишнинг юқори ишончилиги билан алоҳида аҳамиятга эга, бу эса ўз навбатида олинган натижалар келгусида ушбу йўналишда олиб бориладиган илмий изланишларга асос ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жанубий Нурота ҳудудлари бўйича рақамли космик суратларни дешифровка қилиш натижасида яратилган янги турдаги масофавий асосда истиқболли майдонларни аниқлаш усули ишлаб чиқариш амалиётида қўллаш имконини бериб, геология-қидирув ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Нурота ҳудудида космогеологик изланишлар ва Ерни масофадан зондлаш материалларини комплекслаш бўйича олинган натижалар асосида:

1:50 000 миқёсда тузилган космогеологик харита – масофавий асос «Уранкамёбметгеология» ДУК фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 29 июлдаги 01/05-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий Нурота ҳудудининг истиқболини баҳолаш ва олиб борилаётган геология қидирув ишларини самарали режалаштириш имконини берган;

йирик миқёсда тузилган масофавий асос «Регионалгеология» ДУК фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 29 июлдаги 01/05-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий Нурота ҳудудида фойдали қазилма конлари учун геологик тасвирлаш ишларини олиб боришга асос бўлиб хизмат қилган;

космогеология ва дешифровка натижалари «Сурхонгеология» ДУК фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 29 июлдаги 01/05-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий Нурота ҳудудлари бўйича космик суратларнинг дешифровка мезонлари эталон сифатида Ҳисор тоғлари ва унга ёндош ҳудудларида геологик қидирув ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда истиқболли майдонларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олинган натижалар кафедра ва факультет кенгашларида ҳамда 2 та халқаро ва 6 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида жами 21 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 та монография, 2 та муаллифлик ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 та мақола республикада, 1 таси хорижда, конференция материалларида 14 та, жумладан 2 таси хорижда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 матнли бетни ташкил этади (иловаларсиз).

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва заруратлиги, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети баён этилган, мазкур тадқиқот ишининг республика фанлари ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти очиб берилган, тадқиқотиши натижаларининг амалиётга қўлланилиши, диссертациянинг тузилиши ванашир қилинган ишлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жанубий Нурота ҳудудининг геологик ўрганилганлик ҳолати»** деб номланган биринчи бобида иккита кичик бўлимлар мавжуд бўлиб геологик ва космогеологик изланишларнинг қисқача тарихи, геофизик ва геохимёвий тадқиқотлар шарҳи баён қилинган.

Жанубий Нурота тизмалари ва унга ёндош майдонларда XIX аср охириларида бошлаб геологик тадқиқотлар ишларини ўтказиш кенг кўламда олиб борилган. Жанубий Нурота ҳудуди геологик, геофизик ва геохимёвий жиҳатдан етарли даражада ўрганилган бўлсада, ҳали ечимини топмаган айрим масалалар мавжуд. Шу билан бирга геологик тадқиқот ишларида Жанубий Нурота ҳудудининг геологияси, тектоникаси ва фойдали қазилма конлари жойлашув қонуниятларини ўрганиш ҳамда Ерни масофадан зондлаш материалларини дешифровка ва талқин қилиш масалалари О.М.Борисов, Ш.Э.Эргашев, А.К.Глух, Э.Б.Бертман, Ю.И.Лошкин, А.К.Бухарин, Я.Г.Кац, С.С.Шульц к., В.С.Корсаков, Н.Т.Кочнева, И.Н.Томсон, П.Ф.Иванкин, Ф.А.Усмонов, А.К.Нурходжаев, И.А.Пяновская, М.К.Турапов, Ю.В.Шумаков, Х.А.Акбаров, З.М.Абдуазимова, Р.Х.Миркамалов, Х.А.Тойчиев, С.М.Колоскова, Н.И.Назарова, А.Р.Асадов, Р.С.Хан, А.А.Абдурахмонов, О.Т.Зокиров, А.Р.Авезов, И.Г.Поторжинский, С.Т.Марипова, П.Кронберг, Т.Graupner, R.Seltmann, H.Boorder, U.Kempe ва кўплаб бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Бугунги кунда геология соҳасининг олдида турган муҳим вазифалардан бири ер юзасига чиққан давр очилмаларидан ташқари, ёпиқ ҳудудларни тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Жанубий Нурота ҳудудининг кўп қисми мезозой ва кайнозой ётқизиклари билан ёпиқлигини эътиборга олиб Ерни масофадан зондлаш материалларидан комплекс фойдаланиш янги турдаги геологик маълумотларни олишга имконият яратади. Шунингдек, ушбу ҳудуд бир нечта тектоник-магматик жараёнларни бошдан кечирганлиги, майдондаги турли давр ётқизиклари мураккабланиши ўз навбатида космогеологик тадқиқотларни геологик ва геофизик ишларни мураккаблаштирмай қолмайди. Тадқиқот ҳудудида фойдали қазилма

конларини жойлашуви ва истиқболли структуралар аниқланган ёндош ҳудудлар билан қиёслаш натижасида хариталаш ва қидирув белгилари ҳақида янги маълумотлар олиш талаб этилади. Бу каби вазифаларни рақамли космик суратларни сифатли қайта ишлаш, космогеологик, геофизик ва геокимёвий маълумотларни мужассамлаштириб талқин қилиш натижасида ечиш мумкин.

Жанубий Нурота ҳудудида геологик ва геокимёвий изланишлар олиб борилганлигига қарамасдан, янги конлар очилиши ўз навбатида комплекс маълумотларни талқин қилишни талаб қилмоқда. Чунки ҳудудда очик структураларни ўрганиш потенциал даражаси камайиб бормоқда, бу эса ўз навбатида ёпиқ жойларни ўрганиш геологик структуралар ва ер ёриқларини давомий фрагментларини излаб топишни тақазо қилмоқда.

Жанубий Нуротанинг деярли барча тоғлик ҳудудларида йирик миқёсли гравиметрик ва магнитометрик хариталаш ишлари олиб борилган. Сейсмик профиллаш ишлари эса асосан текисликларда мезозой ва кайнозой ётқизиқлари ривожланган ҳудудларда ўтказилган. Турли модификациялардаги электроразведка, магниторазведка ва геофизик тадқиқотларни бошқа турлари муайян маъдан таркибли майдонларда олиб борилган.

Ўрганилганлик даражаси сўнгида шундай хулоса қилиш мумкинки, тадқиқот ҳудудида келгусида геологик тадқиқот ишларини олиб боришда Ерни масофадан зондлаш маълумотлари билан комплекс дешифровка қилиш юқори натижаларга олиб келиши мумкин.

Диссертациянинг **«Ерни масофадан зондлаш материалларини дешифровка қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида Ерни масофадан зондлаш материалларини тайёрлаш, уларга дастлабки қайта ишлов бериш ҳамда геологик дешифровка қилиш бўйича маълумотлар келтирилган. Космик суратларни дешифровка қилиш, айниқса табиий манбаларни тадқиқ қилишда таҳлилчининг иш тажрибасига ва қобилиятига боғлиқ. Рақамли космик суратларни дешифровка қилишда намоён бўладиган геологик объектларни тасвир ранги, туси, шакли, ва ўлчамига мос келиши дешифровка қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу бобда визуал ва автоматик дешифровка қилиш натижалари кенг ёритилган.

Ерни масофадан зондлаш материалларини маълумотлилигини ошириш аввало қайта ишлашга ва имконияти юқори космик суратларни дешифровка қилишга боғлиқ. Бугунги кунда геологик дешифровка қилишда сунъий йўлдош тизимларидан олинган космик суратларни спектрал каналлар уйғунлиги космогеологик объектларни аниқлашга ва уларни фотоаномалияларда фарқлашга имкон беради. Геологик дешифровка қилиш борасида тайёрланган космик суратлардан маълумотлилигини ошириш ва геологик объектларни дешифровка аломатларини кучайтиришда каналлар мутаносиблиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур каналлар мутаносиблиги

ижобий самара берувчи юқори аниқликдаги кўриниши мумкин бўлган объектларни ва геологик тузилмаларни ажратишга ёрдам беради.

Геологик тузилмаларни дешифровка қилишда ернинг устки қисмидаги геологик структураларни намоён бўлиш шароити балки, тупроқ ёки мезозой ва кайнозой ётқизиклари билан ёпилган геологик структуралар ҳақида қимматли маълумотлар олиш имконини беради. Ушбу геологик дешифровка қилиш ва маълумотлиликни ошириш учун тайёрланган космик суратларда геологик объектларнинг таҳлилий (дешифровка) аломатларини кучайтириш долзарб ҳисобланади. Бунинг учун сунъий йўдош тизимларидан олинган Landsat каби рақамли суратларнинг турли каналлар мутаносиблигидан атрофлича фойдаланиш муҳим саналади.

Аэрокосмик суратлардан олинган маълумотлар маълум дешифровка мезонлари асосида олиб борилади. Мазкур мезонлар уларни дешифровка қилиш мезонларини белгилайди. Дешифровка қилиш мезонлари икки: бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита (ёрдамчи) турларга бўлинади. (Я.Г.Кац, 1976). Аэрокосмик суратларни кузатиш орқали тўғридан-тўғри геологик объект тўғрисида тасаввур пайдо қиладиган мезонларга – бевосита мезонлар дейилади. Улар: ранг, фототус ва унинг тузилиши (оптик хусусиятлар), ўлчам, соя ва шакл (геометрик хусусиятлар), текстура, структура ва тасвир кўриниши (тузилиш хусусиятлари), яъни объектнинг тўғридан-тўғри тасвирда намоён бўлишидан иборат.

Аэрокосмик суратларни бевосита мезонлар ёрдамида дешифровка қилиш тоғли ўлкалар, геологик тузилмалар ер юзасига чиқиб турган майдонлар, турли литологик таркибга мансуб бўлган тоғ жинслари ва кескин тектоник ҳаракат кузатилаётган жойларда муҳим аҳамият касб этади. Аэрокосмик суратларда намоён бўлган табиий манбалар орқали геологик тузилмаларни аниқлаш аломатларига дешифровкакашнинг билвосита (ёрдамчи) аломатлари дейилади. Мазкур дешифровка аломатлари пасттексиклар, платформа ўлкалари, тоғлараро водийлар геологик тузилмаларини ўрганишда асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Юқори имкониятли космик суратларни дешифровка қилиш эса – космик суратларда намоён бўлаётган геологик объектларни турли аломатларини қўллаган ҳолда ўқиш ёки таҳлил қилиш демакдир. Автоматик дешифровка ишларини бажаришда амалий вазифаларни турли-туманлиги усуллар ва алгоритмларни кўплигига олиб келди, улар орасида автоматик усуллар алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу тадқиқот ишида космик суратларга ишлов беришнинг СС (colorcomposition), РСА, Mincomp, Hydrocomp, IHS, Кирш, Собел ва бошқа усуллари қўлланилди.

Геологик структураларни аниқлаш учун Кирш, Собель, РСА, IHS, MinComp, HydroCompлар дастлабки қайта ишлов беришнинг автоматик усулларидан фойдаланилди. Юқорида номлари келтирилган ушбу автоматик қайта ишлаш усуллари ва улар асосида олинган натижалари бир қатор геология соҳасининг олдида турган амалий масалаларни ҳал қилишда, яъни

космик суратларда геологик структураларни хариталашда, турли йўналишдаги ер ёриқларини тарқалиш чегараларини ажратишда, халқасимон ёки ёйсимон структуралар ва бошқа тектоник дарзлашган зоналарни белгилашда ҳамда структуравий-дешифровка мажмуаларини ишончли ажратишда имкониятлар яратади.

Ерни масофадан зондлаш материалларини талқин қилиш ва геологик маълумотдорликни оширишда космик суратларда акс этаётган структуравий-дешифровка мажмуалари ўрни беқиёс, чунки ушбу мажмуаларни ёндош геологик структуралар билан муносабатини ўрганиш, ҳудуд кифоасини кўриниши, жойнинг геологик тузилишини талқин қилиш, маъдан намоёнларини ўрганиш каналлар мутаносиблигини мужассам қилган ҳолда минтақавий геологик тадқиқотларда аҳамият касб этадиган қулай истиқболли структураларни аниқлашда ўз аҳамиятига эга. Ерни масофадан зондлаш материалларини геологик дешифровка қилишда Landsat, Aster, Quick Bird космик суратларидан фойдаланиш ушбу ҳудудда юқори имконият яратди.

Натижада имконияти юқори космик суратлардан фойдаланиш амалий геология вазифаларни ечишда ва геологик структураларни бир-бири билан ўзаро муносабатини ўрганишда муҳимлиги асосланди.

Диссертациянинг **«Жанубий Нурота ҳудудини масофавий асоси ва структуравий-дешифровка мажмуалари»** деб номланган учинчи боби космогеологик тадқиқотларни натижавий хариталаридан бири бўлган масофавий асос ва кейинги вақтларда космик суратларда ўзининг намоёнлиги билан ажралиб турувчи структуравий-дешифровка мажмуаларининг тавсифи ҳамда дала назорат текширув ишларининг асосий натижалари келтирилган. Ерни масофадан зондлаш материалларига эга бўлиш ва уни қайта ишлаш ва бевосита кузатувлар асосида дешифровка қилиш геологик тадқиқотлар хариташунослигининг янги маҳсули - масофавий асос юзага келишига сабабчи бўлди.

Масофавий асос – хариташуносликнинг янги авлодига мансуб бўлган, минтақавий геологик тадқиқотларда космик тасвирлардан олинган янги маълумотларни аввалда олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари билан биргаликда мужассамлаштириб, янги мустақил тузиладиган харита ҳисобланади. Бунинг афзаллиги шундан иборатки, тадқиқот ишлари олиб борилаётган ҳудуднинг геологик тузилишида иштирок этадиган барча геологик, геофизик ва геокимёвий маълумотларни умумлаштириб мутлақо бошқача ёндашув асосида намоён этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хариташунослик жараёнининг янги авлод хариталари таркибига кирувчи масофавий асос геология соҳасини янги йўналиши бўлган –аэрокосмогеологик усуллари ёки масофавий геологиянинг маҳсули ҳисобланади. Шунингдек, ушбу харита минтақавий геологик тадқиқотларда мустақил ҳужжат вазифасини бажариш билан бирга катта ҳудудлардаги хариталаш жараёнларига жалб қилинган тадқиқотларнинг ноанъанавий бўлмаган усулларида келиб чиқувчи, илгари номаълум бўлган

ёки фойдаланилмаган омилларнинг маълумотларини ташкил қилишнинг янги даражасини ифодалайди. Олиб борилган космогеологик тадқиқотларда сунъий йўлдош тизимлари орқали ер юзасини замонавий суратга олиш маълумотлари асос қилиб олинди. Кейинги вақтларда ушбу йўналиш доирасида техник воситалар ва суратларнинг имкониятлари ошиб бориши билан бир қаторда, мазкур материалларни геологик дешифровка қилиш усуллари ҳам такомиллашиб борди. Жанубий Нурота худудида биринчи мартаба масофавий асос космогеологик изланишлар натижалари геологик – геофизик ва геохимёвий маълумотлар натижаларини мужассамлаштириб масофавий асос яратилди ва худуд бўйича геологик-қидирув ишларига йўналтирилган истиқболли майдонлар ажратилди (1-расм).

Изланишлар давомида замонавий дастурий воситаларни қўллаш орқали каналлар комбинациясини шакллантириши, кўшимча геологик маълумотлиликни ошириш учун юқори имкониятли космик суратларни умумлаштириш, комплекслаш натижасида визуал ва автоматик дешифровка қилиш учун геологик маълумотларга бой бўлган космик суратлар шакллантирилди, шу аснода структуравий-дешифровка мажмуалари ажратилиб тузилмаларнинг бир-бирига муносабати асосланди.

Структуравий-дешифровка мажмуаларида, тектоник структуралар ва ҳалқасимон тузилмалар ажратилди. Уларнинг макондаги (кенгликлардаги) жойлашишлари ва ўзаро муносабатлари намоён этилди.


Космик суратларда гранитоидли ёки интрузив массивлар рельеф юзасида текис фототус билан тасвирланиши баъзида дарзланиш юзалари орқали дешифровкаланади. Интрузив жинслар юқори ёрқинликлари билан ажралиб туради. Шу билан биргаликда аллювиал ётқизиқларни ҳам ажратиш мушкуллик туғдирмайди.

Жанубий Нурота худудида изланишлар натижасида космогеологик тадқиқотларда янги атама сифатида космик суратларда ажратилган микститли структуравий-дешифровка мажмуалари янги атама сифатида қўлланилди.

Структуравий-дешифровка мажмуалар космик суратларда объектларни фототуси, спектрал ёрқинлиги, геологик структураларни тавсифи билан фарқланувчи объект сифатида намоён бўлади.

Дала кузатув текшириш ишлари космогеологик изланишларда муҳимлиги дастлабки дешифровка ишларини таққослаш ва солиштириш ва космик суратларда объектларни дала шароитида намоён бўлишини ўрганишда муҳим саналади. Дала кузатув ишлари геологик маршрутлар, кузатув нуқталари, литологик-структуравийқирқимлар, намуналар олиш ва аналитик натижавий таҳлиллар орқали олиб борилди. Олиб борилган космогеологик тадқиқот ишлари натижасида Жанубий Нурота худудининг геологик ва тектоник тузилмалари, гранитоидли, вулканоген-карбонат-терригенли, терригенли, карбонатли, гилли-карбонатли, кремнийли-карбонатли, микститли структуравий-дешифровка мажмуалари ажратилди.

Натижада ушбу структурвий-дешифровка мажмуалари худудда рақамли космик суратларда ўзаро муносабати тектоник ер ёриқларини тарқалишини назоратлашда ва сурилма типдаги тузилмаларни аниқлашда аҳамият касб этди. Дала кузатув ишларида олиб борилган дастлабки дешифровка ишлари тасдиқланди ва кузатув ишларини олиб бориш жараёнида геологик-геофизик ва геохимий маълумотларнинг таҳлилий натижаларидан атрофлича фойдаланилди.



1-Расм. Жанубий Нурота худуди космик суратининг дешифровка натижалари ва масофавий асоси.

Структурвий-дешифровка мажмуалари: 1-Аллювиал (кумоқ тупроқ, суглинка, шағал тошлар), 2-Пролювиал (гравелитлар, шағал тошлар, харсанглар), 3-Қум-гилли (гиллар, гравелитлар, кумтошлар, алевролитлар), 4-Гилли-карбонатли (қизил рангли гиллар, кумтошлар, алевролитлар, гравелитлар), 5-Молассли (гиллар, алевролитлар, кумтошлар), 6-Гилли-карбонатли (гиллар, рақушкали оҳақтошлар, доломитлар, алевролитлар, гравелитлар), 7-Карбонатли-гилли (рақушкали кумтошлар, кулрангдаги оҳақтошлар, гиллар, алевролитлар), 8-Терригенли (гиллар, кумтошлар, алевролитлар, конгломератлар, гравелитлар), 9-Вулканогенли-карбонат-терригенли (кумтошлар, оҳақтошлар, конгломерат, гравелитлар), 10-Кремний-карбонатли (оҳақтошлар, мармарлар, кремнийли мармарлашган оҳақтошлар), 11-Карбонатли (оҳақтошлар, доломитлар, алевролитлар, гиллар, кумтошлар, доломитлашган оҳақтошлар), 12-Вулканоген-терриген-

сланецли (оҳактошлар кумтошлар, алевролитлар, гравелит, сланецлар, туфлар), 13-Терригенли (алевролитлар, аргиллитлар, кумтошлар, гилли сланецлар, гравелитлар), 14-Метатерригенли (кумтошлар, алевролитлар, оҳактошлар), 15-Терриген-карбонат-сланецли (аргиллитлар, кумтошлар, оҳактошлар), 16-Кремнийли-карбонатли (кремнийли кварцли тоғ жинслар, доломитлар), 17-Гранитоидли, 18-Олистостромли (слюдали-кварцли сланецлар, оҳактошлар, кумтошлар, доломитлар), 19-Ишончли ер ёриқлари, 20-Эҳтимолий ер ёриқлари, 21-Маҳаллий линеаментлар, 22-Минтақавий линеаментлар, 23-Ҳалқасимон тузилмалар, 24-Сой ва дарёлар.

Диссертациянинг «**Минтақавий геологик тадқиқотларда Ерни масофадан зондлаш материалларининг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида космик суратларда геологик ва тектоник структураларни хариталаш, имконияти юқори маъдан позицияларининг автоматик намоён бўлиш хусусиятлари ва истиқболли майдон ҳамда позицияларни белгилаш бўйича натижалар келтирилган. Космик суратлардан фойдаланиш устувор йўналишлардан бири бўлиб, ер юзасидаги табиий объектларни бир бутун қилиб олинган яъни линеаментларни, ҳалқасимон ёки ёйсимон тузилмалар фотоаномалияларини намоён этиш ҳисобланади. Шу муносабат билан структуравий-дешифровка мажмуаларида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади: -Ерни масофадан зондлаш материалларининг геологик-структуравий маълумотлилигини баҳолашга; -аниқланадиган фотоструктураларнинг ишончлилигига; -чегараланган фотообъектларни табиий чегараларининг аниқлигига.

Жаҳоннинг барча минтақаларида ушбу объектлар эндоген турдаги маъдан объектларини фойдали қазилма конларининг жойлашишини назорат қилиши туфайли тектоник тузилмаларни космик суратларда намоён бўлишида аҳамият касб этади.

Юқори имкониятли космик суратларда геологик ва тектоник тузилмаларни хариталаш ёки дешифровка қилишда кўпгина омиллар жумладан, талқин қилинаётган объект хоссалари, рельеф шакллари, ранг (тус), ёндош тузилмалар билан муносабати, уларнинг спектрал белгилар ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади. Космик суратларни қайта ишлаш ва замонавий дастурий маҳсулотларнинг роли катта бўлиб, улар автоматик чизикли тузилмаларни намоён бўлишидан маълумотларни умумлаштириб истиқболли позиция ва маъдан намоёнларини белгилаш босқичигача ишларни ўзида қамраб олган. Космик суратларни дешифровка қилишнинг автоматик усули ҳозирги вақтда визуал дешифровка қилиш ишлари билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, автоматик усулларда сигнатуралар ёрдамида турли объектларни уларнинг истиқболли позицияларни жойлашув ўрнини аниқлашга имкон беради.

Жанубий Нурота ҳудудида асосий фойдали қазилмалар олтин, қумуш ва бошқалар хизмат қилади, бундан келиб чиқиб, истиқболли майдонларни ажратиш ишларида асосан олтин маъданлашувларини назоратловчи

омилларга таянилади. Жанубий Нурота ҳудуди бўйича космик суратларни комплекс дешифровка қилиш натижасида истиқболи юқори маъдан позицияларини ажратиш имконини берди.

Тадқиқотлар натижалари бўйича ҳудудда бир нечта имконияти юқори – истиқболли майдонлар ажратилди. Улар аввалда геологик-геофизик, геокимёвий маълумотларни умумлаштириши ва маъданлашувнинг шаклланиш омилларини таҳлил этиш асосида истиқболлилиги бўйича ажратилди. Шунингдек, 2 та имконияти юқори – истиқболли майдонларда намуналар олиш, геологик маршрутлар ва дала кузатув ишларини тасдиқловчи дала назорат кузатув ишлари ўтказилди. Имконияти юқори – истиқболли майдонларни ажратишда С.М.Колоскованинг материалларидан атрофлича таҳлил этишда фойдаланилди.

I. Имконияти юқори – истиқболли майдон. Тадқиқот ҳудудининг шарқий қисмларида, ҳудуднинг жанубий-ғарбий қисмида, Оқтов тоғининг шимолий ён бағридаги тоғолди қисмларида, Чуя қишлоғи яқинида жойлашган. Майдон D-C нинг кремнийли – карбонатли ётқизиқларидан, S₁ни вулканоген-терригенли сланецларидан, C₂₋₃ нинг гранитоидлари ва кремний, слюдали-кварцли сланецлар, доломитлар ва гранитоидлар бўлган олистростромларидан, оҳактошлар, мраммарлар, мраммарлашган оҳактошлар билан тақдим этилган структуравий-дешифровка мажмуаларидан тузилган.

Майдон субкенглик ва шимолий-шарқий структураларнинг кесишиш тугунларида назоратланади. Дала ишларининг олиб борилишида геологик маршрутлар, апробация нукталари, структуравий-литологик қирқимлар билан ўрганилди. Имконияти юқори-истиқболли майдон ҳудудларида 3 та анча чўзилган ва катта қалинликлардаги, кенглик йўналишларда бўлган тектоник зоналар кузатилди. Космик тасвирлаш материалларида ушбу зоналарнинг намоён бўлиши кулранг фототус билан ажратилади.

II. Имконияти юқори-истиқболли майдон Оқтов тоғи жанубий ён бағрининг тоғ олди қисмларида, Майдонсой ирмоғи ҳавзаси яқинида жойлашган. Тадқиқот майдони кембрий ёшидаги (Є) терриген-карбонатли-сланецлардан, силур (S₁) ёшидаги СДМ вулканоген-терриген-сланецлардан, кремний-карбонатли (D-C), гранитоидли структуравий-дешифровка мажмуаларидан, P₂ га оид молассли СДМ дан, кремний ва гранитоидлар бўлган аргиллитлар, гиллар, кумтошлар, оҳактошлар, сланецлар, алевролитлар, гравелитлар, туфлар, мраммарлашган оҳактошлар билан тақдим этилган структуравий-дешифровка мажмуаларидан тузилган (2-расм).


Майдон тектоник структураларнинг, кенг ривожланганлиги билан тавсифланади, айниқса шарьяж-сурилмалар зоналари, шунингдек субкенглик, шимолий-ғарбий, шимолий-шарқий ва меридионал чўзилишда тарқалгани муҳим аҳамият касб этади.

Майдон субкенглик, шимолий-ғарбий, шимолий-шарқий структураларнинг тутатиш тугунлари билан назоратланади, кўпгина олтин ва маргимушнинг минераллашув нукталари, олтин, шеелит, моноцитларни

шлихли ореоллари ҳамда магнититнинг маҳаллий ижобий аномалиялари ва табиий майдоннинг салбий аномалиялари билан тасвирланади. Дала назорат ва кузатув ишларини ўтказишда, геологик маршрутлар, апробация нуқталари, структуравий-литологик қирқимлар билан ўрганилди.

Майдонсой ирмоғининг ўнг бортидаги 1100-сонли кузатув нуқтасида, девон оҳақтошларида кварц-кремнийли томир ўрнатилди. 1100-сонли кузатув нуқтасидан ғарбда ордовик–силур ва девон жинсларини контакти ўрнатилди. Ушбу жойда тоғ жинсларининг кучли ўзгарган контакти мавжуд.

Тоғ жинсларининг контакт олди қисмларида темирлашиш ва брекчиялашиш зонаси кузатилади. Космик тасвирлаш материалларида ушбу зона ёрқин кулранг фототус билан ажратилади.



2-расм. Маълумотларни комплекслаш натижалари бўйича Оқтов тоғи жанубий ёнбағрининг космогеологик схемаси ва масофавий асоси

Шартли белгилар: Структуравий-дешифровка мажмуалари: 1-Аллювиал (қумок тупроқ, суглинка, шағал тошлар), 2-Проллювиал (гравелитлар, шағал тошлар, харсанглар), 3-Молассли (гиллар, алевролитлар, қумтошлар), 4-Кремнийли-карбонатли (оҳақтошлар, мрамарлар, кремнийли мрамарлашган оҳақтошлар), 5-Вулканоген-терриген-сланецли (оҳақтошлар қумтошлар, алевролитлар, сланецлар, туфлар), 6-Терриген-карбонат-сланецли (аргиллитлар, қумтошлар, оҳақтошлар, кремний), 7-Гранитоидли; 8-Ер ёриқлари, 9-Ҳалқасимон тузилмалар, 10-Бўйлама ва кўндаланг чегараловчи асосий тектоник бузилишлар, 11-Шарьяж-сурилма зоналари-чўкинди мажмуаларни тектоник чегаралари, 12-Потенциал-истикболли майдон. ΔTa , ΔZa аномал магнит майдонларининг геофизик майдонларини талқин этиш элементлари: 13-Асосли

жинсларнинг тарқалиши ва контактолди ўзгаришлари (роговиклашиш, скарнлашиш) ва бошқалар билан бир хилда тенглаштирилган муайян ижобий ΔT_a аномалиялар, 14-Сульфидли пирит-пирротинли минераллашувлар тараққий этган зоналар билан бир хилда тенглаштирилган чизикли магнит аномалияларнинг ўқлари, 15-Магнит аномалияларнинг градиентли зоналари тавсифлари бўйича ўрнатилган, кўпинча яширин турдаги кўндаланг ёрувчи тектоник бузилишлар. **Δg гравитацион майдонининг қолдиқ аномалиялари:** 16-Жадал равишда салбий Δg аномалиялар ва ўзгарувчан жадалликлардаги ижобий T_a аномалияларда ифодаланган гранитоид интрузивларнинг 100-1500м. чуқурликлардаги контурлари (штоклар, апофизлар ёки шипнинг кўтарилишлари). **ΔU_{TP} табиий потенциал майдон:** 17-Кўмирлашган ва сульфидлашган жинслар, жинсларнинг кучли дарзлашишларининг тарқалишлари билан бир хилда тенглаштирилган салбий ΔU_{TP} аномалиялар майдонларини контурлари, 18-Тектоник бузилишларнинг зоналари, турли таркибдаги жинсларнинг контактлари билан бир хилда тенглаштирилган кучсиз жадалликлардаги ΔU_{TP} аномалиялар ўқлари. **Синган тўлқинни таққослаш усули маълумотлари бўйича пойдевор жинсларининг типлари:** 19-Томезозой ҳосилаларининг ер юзасига чиқиш контурлари. **Кон ва маъдан намоёнлари:** 20-Олтин маъдан намоёнлари. **Минераллашган нуқталар (Очилмаларни намуналаш натижалари бўйича):** 21-Олтин (олтин миқдори 0,1-1,0 г/тхисобланган қиймат) аввалги ишлар натижаси бўйича, 22-Олтин (олтин миқдори 0,1-1,0 г/т). **Геокимёвий нуқталар (Очилмаларни намуналаш натижалари бўйича):** 23-Олтин, миқдори 0,01-0,09 г/т, аввалги ишлар натижалари бўйича, 24-Олтин, миқдори 0,01-0,09 г/т, С.М.Колоскова маълумотлари бўйича, 25-Минераллар миқдори кўп бўлган алоҳида шлихлар: соф олтин, 26-Вольфрам, миқдори 0,0n-0,01%. **Геокимёвий ореоллар (иккиламчи ореоллар тарқалиши):** 27-Олтин, 28-Мищьяк. **Шлихли ореоллар:** 29-Соф олтин, 30-Шеелет, 31-Монацит, 32-Контакт метаморфизм тарқалиши бўйича.

Ушбу натижалар, дала кузатув ишлари мобайнида геологик маршрутлар, апробация нуқталари, структуравий-литологик қирқимлар билан ўрганилди. Айниқса дала кузатув ишларининг космогеологик, геофизик ва геокимёвий маълумотлар билан комплекслаш ва автоматик намоён бўлган позицияларни анъанавий геологик усуллари билан умумлаштириш ҳудудда яхши натижалар беришида имкон яратди.

Жанубий Нурота ҳудудида Ерни масофадан зондлаш маълумотларини геологик-геофизик маълумотлар билан геологик тузилмаларни тарқалишини ва структуравий-дешифровка мажмуаларини космик суратларда намоён бўлиш чегараларини маъдан намоён бўлиши ер ёриқларининг кесишиш тугунлари билан боғлиқлиги ҳудудда амалий аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Диссертация ишида асосий эришилган илмий ва амалий натижалар қуйидагилардан иборат.

1. Жанубий Нурота ҳудудининг геологик ва тектоник тузилмалари, гранитоидли, вулканоген-карбонат-терригенли, терригенли, карбонатли,

гилли-карбонатли, кремний-карбонатли, микститли структуравий-дешифровка мажмуалари юқори имкониятга эга бўлган Landsat 7, Aster, Quick Bird космик суратлари асосида ажратилган ва амалиётга тавсия этилган.

2. Жанубий Нурота ҳудудидаги геологик тузилмаларни ва тектоник хусусиятларини ўрганишда автоматик дешифровка усулларининг қулайлиги аниқланган. Натижада юқори имкониятли космик суратларда геологик дешифровка жараёнининг сифат кўрсаткичи ошишига имкон яратилган.

3. Ерни масофадан зондлаш материаллари ёрдамида очиқ ва ёпик майдонлардаги геологик масалаларни ҳал қилишда уларнинг энг самарали RGB (Red-қизил, Green-яшил, Blue-кўк) каналлари тизимидаги қулай мутаносибликлари аниқланган. Натижада геологик объектларни кузатув ва автоматик дешифровка қилишда юқори самарадорликга эришилган.

4. Рақамли космик суратларни дешифровка қилиш натижалари геологик, геофизик ва геохимёвий маълумотлар билан умумлаштирилиб Жанубий Нурота ҳудудининг йирик миқёсдаги масофавий асос-космогеологик харитаси тузилди. Натижада ўрганилаётган ҳудуд бўйича қўшимча геологик маълумотлар базаси яратилган.

5. Жанубий Нурота ҳудуди бўйича космик суратларни комплекс дешифровка қилиш натижасида истиқболи юқори маъдан позицияларини ажратишга эришилди. Натижада имконияти юқори иккита истиқболимайдонлар ва уларга туташ бўлган бир нечта позициялар аниқланиб, келгусида дастлабки геология қидирув ишлари олиб бориш учун тегишли геология қидирув корхоналарига амалий тавсия берилган.

6. Жанубий Нурота ҳудудининг масофавий асоси-космогеологик харитаси эндоген маъданлашувни минтақавий таҳлилини ўтказиш ва келгусидаги геология қидирув ишларини режалаштиришда асосий харита сифатида аҳамият касб этади.

7. Ерни масофадан зондлаш материалларини дешифровка қилишнинг ҳозирги замон компьютар дастурлари асосида олиб бориш, дала назорат кузатуви ва эталон объектлардан фойдаланиш минтақавий геология изланишларининг металлогения масалаларини ҳал қилишда янги имкониятлар яратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И
ГЕОФИЗИКИ ИМ.Х.М.АБДУЛЛАЕВА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТОГАЕВ ИСАМИДДИН САФАРОВИЧ

**СТРУКТУРНО-ДЕШИФРИРУЕМЫЕ КОМПЛЕКСЫ ЮЖНОГО
НУРАТАУ И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРИ
РЕГИОНАЛЬНЫХ ГЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ**

04.00.01 – Общая и региональная геология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/GM80.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.ingeo.uz и на информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Нурходжаев Анварбек Кораходжаевич
Доктор геолого-минералогических наук

Официальные оппоненты: Абдуллаев Рахмат Нуриллаевич
Доктор геолого-минералогических наук, профессор
Асадов Акмал Рузимуродович
Кандидат геолого-минералогических наук, доцент

Ведущая организация: «Регионалгеология» ГУП

Защита диссертации состоится «30» декабря 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 при Институте геологии и геофизики им.Х.М.Абдуллаева (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99871) 241-88-67; факс: (99871) 262-63-81; e-mail: ingeo@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и геофизики им.Х.М.Абдуллаева (регистрационный номер №2). (Адрес: 100041, г.Ташкент, ул Олимлар, 64. Тел.: (99871) 241-88-67.

Автореферат диссертации разослан «16» декабря 2020 года.
(реестр протокола рассылки №2 от «16» декабря 2020 года).



Л.Р. Садикова
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней д.г-м.н.

Ф.Б. Каримова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.г-м.н. (PhD).

У.Д. Мамарозиков
Председатель научного семинара при Научном Совете по присуждению ученых степеней д.г-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировая практика показывает, что широкое использование данных дистанционного зондирования Земли для повышения эффективности геологоразведочных работ играет важную роль в разделении рудных площадей и перспективных структур при невысокой стоимости. В связи с этим предпринимается ряд мер по широкому использованию дистанционного зондирования во всем мире, приоритетом дистанционного зондирования является комплексная интерпретация имеющихся геологических данных при геологоразведке с помощью цифровых космических снимков в геоинформационных технологиях, имеющая особое значение при выделении новых перспективных площадей.

Сегодня в развитых странах мира проводится ряд научных исследований по использованию цифровых мультиспектральных космических снимков при выявлении перспективных площадей, в том числе на основе обработки физико-геологических свойств известных эталонных объектов в каждом регионе с помощью цифровой космической фотосъемки. Особое внимание уделяется выделению высокоперспективных участков и благоприятных структурных позиций, а это в свою очередь позволяет более полно обосновать типы оруденения в геологических структурах.

В нашей стране большое внимание уделяется использованию современных методов дистанционного зондирования Земли в геологоразведочных работах, и в этом плане достигнут определенный прогресс, в том числе создание новой инновационной технологической схемы из четырех этапов наблюдения и автоматического дешифрирования. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет задачи «... обеспечения комплексного и эффективного использования потенциала природных и минеральных ресурсов в определенных регионах»¹. Поэтому анализ космогеологических исследований, проведенных в Южно-Нуратинском регионе с использованием современных технологий и методов, является одной из важных задач в поиске перспективных локальных структур и научно-теоретическом обосновании.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента № ПП-3578 от 1 марта 2018 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», № ПП-4401 от 23 июля

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию геологического изучения недр и реализации Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на 2020-2021 годы» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – VIII. «Науки о Земле» (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

